


**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI OЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
BAZIRЛИГИ  
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ RESPUBLIKI OЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ**

**халқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами**

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,  
2020 йил 20 май**

**УЎК: 658.01:6П2.15.7:338(575.1)**

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш” дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 20 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультетининг Корпоратив бошқарув ва Менежмент кафедралари ҳамда Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий назария ва корпоратив иқтисодиёт кафедраси иштирокида “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий ўтказилган илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- Рақамли иқтисодиётда менежментнинг ўрни.
- Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳити таъминланишининг етакчи омили.
- Рақамли иқтисодиёт инновацион менежментнинг асоси.
- Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш.
- Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.

*Мақолаларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.*

**ТДИУ ректори, т.ф.д., проф. К.А.Шарипов умумий таҳрири остида.**

**Таҳрир хайъати:** и.ф.д., доц. К.Б.Ахмеджанов, и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев, DSc. проф. Р.Карлибаева, доц., Н.Т.Урмонов, и.ф.н., доц. М.Умарходжаева, и.ф.н., доц. А.А.Темиров, PhD. Б.Н.Уринов, PhD. А.Ж.Хўжамуродов, кат. ўқт. А.К.Шермухамедов, кат. ўқт. О.Д.Джурабаев.

© *Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2020*

		бошқарув механизмларидан фойдаланишни такомиллаштириш	
155.	Шермухамедов А.К.	Цели и задачи экспортной политики в республике Узбекистан	492
156.	Эльбусинова У.Х. С.Т.Турғунбоев	Тижорат банклари кредит операцияларини бошқаришда банк инфратузилмасининг ўрни	495
157.	Эльбусинова У.Х. Мадумаров Ж.К.	Ўзбекистон тўлов тизимини бошқаришда марказий банкнинг ўрни	497
158.	Хо'jamurodov A.J. Esanov S.F.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida investitsiya faoliyatida davlat ishtirokini tartibga solishning metodologik asoslari	500
<b>5-ШЎБА. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ</b>			
159.	Абдужапарова Н.Т.	Темир йўл транспорти тизимида молиявий бошқарув муаммолари ва ечимлари	504
161	Жураев Ш.Ж.	Нефт ва газ компаниялари самарадорлигини корпоратив бошқарув тизими	506
162	А.Р. Исмаилов	Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув институтционал жихатларини такомиллаштириш	508
163	Карлибаева Р.Х.	Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш	511
164	Рашидов Ж.Х. Шермухамедов А.К.	Необходимость цифровой оценки акций компании в пандемическом состоянии	517
165	Махмудов С.Б. Икрамов А.И.	Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда рақамли иқтисодиётнинг ўрни	519
166	Ташмухамедова К.С. Ниғматжонов Д.Ғ.	Некоторые аспекты качества корпоративного управления в цифровой экономике.	522
167	Ташпулатов Г.Т.	Пандемия шароитида компания акциялари қиймати баҳоланишини рақамлаштиришнинг зарурати	524
168	Темиров А.А. Шахобиддинов Н.З.	Корхонанинг молиявий ресурсларга эҳтиёжини таъминлаш истиқболлари	527
169	Хидирова М.Р.	Рақамли иқтисодиётда корпоратив бошқарувнинг ташкилий механизминини такомиллаштириш	529
170	Хомитов К.З.	Гаров объекти ва мулк қийматини баҳоловчилар фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни такомиллаштириш	531
171	Shukurov S.I.	The importance of Household Banking and Digital economy in Low-trust Nations	534
172	Yakubova S.S.	Corporate governance in public-private	536

Фикримизча, Кузатув кенгаши таркиби ва аъзоларини сайлашда эътибор қаратиши лозим бўлган мезонлар; Кенгаш аъзолари ва ижрочи раҳбарларнинг хилма-хиллиги (жинси, миллати, ижтимоий келиб чиқиши) тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилиши лозим. Ноижрочи директорларнинг кенгашда аъзо бўлиш муддатини вақти-вақти билан кўриб чиқиш лозим. Кенгаш аъзолигига номзодларни кўйиш ва сайлаш тўғрисидаги тартиботини ошкор этиши лозим.

Юқорида келтирилган фикрларнинг корпоратив бошқарув институтлари амалиётига жорий этилиши: хўжалик юритувчи субъектлар микёсида инвестицион фаоллик ошишида, миллий иқтисодиёт доирасида иқтисодий ўсиш барқарорлигига эришишда глобал доирада молиявий-иқтисодий инкирозларнинг юзага келиш хавфини камайтиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

*Р.Х. Карлибаева, и.ф.д., профессор,  
ТДИУ*

### **АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Замонавий шароитда миллий акциядорлик жамиятларида шаклланган корпоратив бошқарув республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотларнинг турли босқичларида ривожланиб бормоқда. Лекин ушбу ривожланиш, жаҳон амалиётида корпоратив бошқарувнинг эволюцион тараққиёти билан қиёсланганда, қисқа даврда сифат жиҳатидан такомиллашиб борганлигини кузатиш мумкин. Корпоратив бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан амалга оширилган ислохотлар натижасида бозор иқтисодиётининг тараққиёти, шаклланган иқтисодий тизим шарт-шароитларига боғлиқ бўлиб, ундаги институционал бирликлар ўзаро муносабатларининг иқтисодий механизми асос ҳисобланади.


Миллий анъаналар билан уйғун ҳолда шакллантирилган корпоратив бошқарувнинг фундаментал асослари ривожланган мамлакатлар корпоратив бошқарув мактаби намояндаларининг концепцияларига асосланган. Лекин республикамизда ўзига хос тавсифдаги “Ўзбек модели” деб эътироф этилувчи бозор иқтисодиётини шакллантириш билан боғлиқ иқтисодий ислохотлар таъсирида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тараққиёти ғарб мамлакатларидаги тараққиёт қонуниятларидан фарқли равишда ривожланиб бормоқда.

Демак, Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тараққиётининг асосини миллий иқтисодиёт босқичма-босқич ривожланишининг умумий қонуниятлари ташкил этади. Бунда акциядорлик жамиятлари иқтисодиётининг макро ва микромуҳитидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишнинг мутлақ зарурати негизида ривожланиб бормоқда.

Мустақилликнинг дастлабки давриданок, мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ислохотларда асосий йўналишлардан бири сифатида амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларда акциядорлаштириш

устувор аҳамият касб этиб, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизми шакллантирилди ҳамда изчил равишда такомиллаштириб келинмоқда.

Кейинги йилларда акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ислоҳотларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича таснифлаш мумкин.



### 1-расм. Акциядорлик жамиятлари фаолиятидаги ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш йўналишлари<sup>1</sup>

Демак, кейинги йилларда ислоҳотларнинг концептуал асослари қуйидагилардан иборат бўлмоқда, яъни акциядорлик жамиятлари шакллари бўйича уларнинг ҳуқуқий мавқеидаги ўзгаришлар амалга оширилди. Акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимида кузатув кенгашининг жамият устав фонди, йирик ва стратегик аҳамиятга молик битимлар тузишга ва ташқи аудит хизматига оид қарорлар қабул қилиш соҳаларидаги ваколатларини кенгайтириш борасида қатор меъёрлар белгиланди.

Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига малакавий талаблар белгиланди ва тафтиш комиссияси аъзолигига бир шахсни кетма-кет икки мартадан ортиқ сайланишига чеклов белгиланган. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши қарорларига оид ижро интизомини бузиш ҳолатларида ижро органи билан тузилган шартномани бекор қилишга асос бўлиши белгиланди.

Акциядорлик жамиятлари фаолияти тўғрисидаги ахборотлар жамият инвестицион жозибadorлигининг муҳим омили ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан кейинги йилларда ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар, аввало, потенциал инвесторларни жамият фаолияти тўғрисидаги тўлиқ ва ошқора ахборотлар билан таъминлаш орқали акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибadorлигини оширишга қаратилган. Хусусан, акциядорлик жамиятлари учун фонд биржасининг расмий сайтида уларнинг уставига киритилган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақидаги маълумотларни ошқора киритиб бориш мажбурийлиги белгиланди.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришда, биринчи навбатда, акциядорлар ва уларнинг кенг таркибини ташкил қилувчи миноритар акциядорларни ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, бошқарув ва назорат органлари зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш

<sup>171</sup> <http://www.Lex.uz>

институтини яратиб, акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун жамият фаолияти тўғрисидаги кенгроқ ахборотлар олиш кафолатини беради.

Йирик акциядорларнинг катта ҳажмдаги акциялар пакети уларга Умумий йиғилишда юқори даражадаги овоз бериш имконини беради. Уларнинг иштирок этмаслиги натижасида кворумнинг мавжуд бўлмаслиги ва охиrqоқибатда йиғилиш бекор қилиниши ҳолатлари учрар эди. Бу, ўз навбатида, ижро интизомига салбий таъсир этиб, зарур корпоратив қарорларни ўз вақтида қабул қилиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарар эди.

Бу муаммони бартараф этиш мақсадида умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, жамият жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоиздан кам бўлмаган овозига эга акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, умумий йиғилиш ваколатли деб ҳисобланиши белгиланди.

Давлатнинг вертикал-интеграл ташкилий тузилмаларга асосланган акциядорлик компаниялар фаолиятини тартибга солиш тизими икки асосий йўналишда амалга оширилмоқда:

- биринчидан, корпоратив бошқарувнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш ва унга риоя қилиш устидан тизимли назоратни шакллантириш;
- иккинчидан, устав фондида юқори давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув сиёсатида давлат вакиллари иштироқи орқали тўғридан-тўғри иштирок этиш.

Лекин кейинги йилларда акциядорлик жамиятлари устав фондида давлат улушини қисқартириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли ва 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли қарорлари<sup>1</sup> акциядорлик жамиятлари устав фондидаги давлат улушини қисқартириш ва акцияларни хорижий инвесторларга сотишнинг ҳуқуқий асосини ташкил этди. Хусусан, мавжуд йирик ва стратегик аҳамиятга молик 68 та акциядорлик жамиятлари акцияларини хорижий инвесторларга сотиш, 300 дан ортиқ хўжалик жамиятларининг давлат улушини хусусий институционал инвесторларга сотиш белгиланди. Қолаверса, акциядорлик жамиятлари учун уларнинг устав фондида 15 фоиз хорижий инвесторнинг улуши мавжуд бўлиши мажбурий реқвизит сифатида киритилди.

Фикримизча, 15 фоиз хорижий инвесторнинг улуши мажбурий реқвизит сифатида киритилиши ва унга белгиланган муддат мавжуд акциядорлик жамиятларининг ички ва ташқи омиллар ҳосиласида шаклланадиган инвестицион жалб қилувчанлиги кўрсаткичи шароитида иррационал тавсифга эгадир. Акциядорлик жамиятлари молиявий хўжалик фаолиятининг амалдаги ҳолати хорижий инвесторларни жалб қилиш билан боғлиқ ушбу ислохотни белгиланган муддатларда самарали реализация қилиш имкониятларини чеклайди. Шунинг учун ушбу ислохотлар стратегик контекстдаги акциядорлик

---

<sup>172</sup> Bernardin Akitoby and Thomas Stratmann. Fiscal policy and financial market. The Economic Journal, Vol. 118, No. 533 (Nov., 2010), pp. 384-401.

жамиятлари фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Демак, юқоридаги ўзгариш ва кўшимчалар, Ўзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини самарали жорий этиш ва уни жадал ривожлантириш, шунингдек, инвестор ва акциядорлар, айниқса, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилиб, бизнеснинг ривожланишига янги имкониятлар яратиб келмоқда.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият юритувчи акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқариш фаолиятини интенсивлаштириш масаласи соҳани ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифаларнинг истиқболдаги самарали ижросини таъминлаш учун барча омиллар қаторида барқарор иқтисодий ривожланишга қатор молиявий омиллар таъсир этади.

Бу омиллар таъсирида барқарор ривожланишга салбий таъсир этувчи муаммоларни ҳал қилиш акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарор ривожланишини таъминлаш орқали миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлаш имкониятлари вужудга келади. Бундай муаммоларни бартараф этиш, биринчи навбатда, акциядорлик жамиятлари молиявий хизмат тизимига қатор вазифаларни юклайди. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини белгилайди.

Ҳозирги шароитда акциядорлик жамиятлари барқарор ривожланиши билан боғлиқ бошқарув муаммоларини шаклланиши ва таъсир кўлами бўйича макро ва микродаражадаги муаммоларга ажратиш мумкин.

Глобаллашув тенденцияларининг ҳозирги шароитида мамлакат иқтисодиёти очиқлик даражасининг ортиб бориши такрор ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлигини таъминлашда давлат томонидан ички бозор билан бирга жаҳон бозоридаги конъюнктура шарт-шароитларини инобатга олишни объектив заруратга айлантириб қўймоқда.

Хусусан, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ фундаментал муаммолардан бири капитал жамғарилишининг етарли даражада таъминланмаганлиги ҳисобланади. Албатта, ушбу муаммо ўтиш даври иқтисодиётига эга барча мамлакатларга хос бўлиб, жаҳон тажрибасига кўра, аҳоли реал даромадини ошириш, реал сектор корхоналари иқтисодий рентабеллигини юксалтириш, ички ва ташқи инвестицияларни мамлакатга кенг жалб қилиш билан боғлиқ ислохотлар капитал жамғарилишини барқарорлаштиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Иқтисодчилар А. Бернардин ва Т. Стратман мамлакат иқтисодий қудрати моддий, интеллектуал ва молиявий капитал ҳамда уларнинг концентрациялашувини бошқариш даражаси билан боғлиқлигини



таъкидлайдилар<sup>1</sup>. Иқтисодчи В. Матти эса бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатлар иқтисодиётига хос муаммолар каторида капитал танқислигини эътироф этиб, ушбу иқтисодиётига хос заифлик унга капитал жалб қилишга таъсир этувчи турли омиллар ҳамда мавжуд капитални такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммоларни таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>.

Иқтисодий ўсишнинг илк неоклассик моделларидан бири ҳисобланган Р. Солоу моделида ялпи таклиф Кобб Дугласни ишлаб чиқариш функциясининг ( $Y=f(L,K,N)$ ) ўзига хос модификациясидан фойдаланилган. Бунда иқтисодий тараққиётнинг маълум босқичида иқтисодий ўсиш меҳнат ва капитал сингари омилларга нисбатан юқори даражада боғлиқлигини исботлаб, буни қуйидаги тенглама орқали ифодалайди:

$$Y = (\Delta Y / \Delta L) L + (\Delta Y / \Delta K) K \quad (1)$$

Бу ерда,  $\Delta Y$ ,  $\Delta L$ ,  $\Delta K$  маълум даврда ишлаб чиқариш, меҳнат ва капиталнинг ўзгаришини ифодалайди.

Мазкур моделда ялпи талаб, асосан, инвестиция ва истеъмол харажатлари сингари икки асосий компонентдан иборатлиги эътироф этилади. Р.Солоу моделида битта ишчига тўғри келувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми капитал билан қуролланиш даражаси функцияси ва унинг ўсишига таъсир этувчи асосий омил сифатида жамғариш меъёри юзага келиши таъкидланади. Демак, жамғариш меъёри капитал билан қуролланганлик даражаси ва ишлаб чиқаришнинг юксалиш жараёнларига тўғри мутаносиб. Жамғариш меъёрининг юқори даражаси капиталнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олишда бош омил ҳисобланиши эътироф этилади.

Ушбу ҳолат замонавий шароитларда миллий иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган саноат тармоғининг технологик жиҳатдан қуролланиш даражасини тармоқда яратилувчи қўшилган қиймат ва унинг ялпи жамғариш меъёрига таъсирини баҳолаш имкониятларини юзага келтиради. Демак, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни интенсивлаштириш бир қатор омиллар, яъни технологик жиҳатдан қуролланиш даражаси, ишчи кучи, капиталлар бозорининг шаклланиш даражаси ва бошқа қатор омилларга боғлиқдир.

Бу омиллар ўртасида маълум мувозанат бўлиши зарур. Замонавий шароитда саноат тармоғининг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигини ошириш учун ушбу омилларнинг оптимал комбинациясида капитал ёки ресурслар заиф элементлар ҳисобланади.

Капитал ёки ресурсларни саноат тармоғига жалб қилиш билан боғлиқ фаол инвестиция сиёсатида жамғариш меъёри ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Инвестициянинг манбаи сифатида жамғариш динамикаси ишлаб чиқариш омиллари самарадорлиги билан бир қаторда мавжуд ресурсларни шакллантириш, уларни активларга инвестициялаш ва такрор ишлаб чиқариш жараёнида яратилган қийматни пул эквивалентида қайта тақсимлашнинг

<sup>173</sup>Sensitivity of fiscal-policy effects to policy coordination and business cycle conditions // Matti Viren. Published online: # Springer-Verlag Berlin Heidelberg, 3 July 2013.

<sup>3</sup> [kommersant.uz/tsifrovaya-ekonomika-uzbekistana/](http://kommersant.uz/tsifrovaya-ekonomika-uzbekistana/) Цифровая экономика Узбекистана.



самарали бошқариш тизимини ифодаловчи бошқарув тизимини ташкил қилишга ҳам боғлиқ.

Демак, самарадорликнинг яна бир омиллари сифатида пировард молиявий натижаларнинг шаклланиши ва уни тақсимлаш тизими назарда тутилади. Ҳақиқатда ҳам ҳар қандай тижорат ташкилоти фаолиятининг бош мақсади пировард молиявий натижа ҳисобланувчи фойда ҳисобланади. Миллий иқтисодиётимизда саноатнинг роли ўсиб бораётган бир шароитда саноат корхоналари фаолияти молиявий натижаларининг узлуксиз ортиб бориши ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ортиб боришида бошқа тармоқларга нисбатан мультипликатив самара келтиради. Бунда тармоқда фаолият юритувчи акциядорлик жамиятлари рентабеллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Саноат корхоналари истиқболдаги тараққиётини таъминлашда рентабеллик билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Зотан, рентабеллик кўп молиявий-иқтисодий омиллар таъсирида шаклланивчи фойдани миқдор ва сифат жиҳатдан ошириш ҳисобига таъминланади. Бунда умумиқтисодий омиллар қаторида активларга самарали инвестициялаш учун потенциал молиявий ресурсларни шакллантириш ва асосий молиявий натижа ҳисобланувчи тушумни тақсимлаш жараёнидаги харажатлар тизими, хусусан, таннархни янада самарали бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Саноат корхоналари фаолияти мобайнидаги уларнинг молиявий барқарорлиги билан боғлиқ муаммолар тармоқдаги инновацион ривожланишга салбий таъсир этаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Миллий акциядорлик компанияларида банкротлик эҳтимоллиги юқори бўлиб, молиявий барқарорликни қайта тиклаш реабилитацион механизмининг ташкилий-иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги паст даражада ва аксарият саноат корхоналаридаги инқирозга қарши бошқарув тизими ҳам самарали ишламаётир.

Аксарият саноат корхоналарида активларга инвестицияланган капитал таркиби ва уни бошқаришга нисбатан ривожланган мамлакатларда шакллантирилган замонавий услубий ёндашувлар билан уйғунлашган қарорлар қабул қилиш соҳасида малакалар етишмайди. Натижада капиталлар таркиби ва уни бошқаришга нисбатан адекват тизимли ёндашув мавжуд эмаслиги аксарият миллий корпоратив тузилмаларда молиявий барқарорлик билан боғлиқ муаммолар ва паст даражадаги молиявий натижалар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Демак, бозор иқтисодиётига асосланган миллий иқтисодиёт шаклланишининг ҳозирги босқичида акциядорлик жамиятларининг истиқболдаги тараққиётини таъминлашга салбий таъсир этувчи бошқарув омиллари корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштиришнинг мутлақ зарурлигини тасдиқлайди.